



## МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМИ

**М.Абдурахманова**

*и.ф.н., доцент, ФарДУ*

**К.Хонкелдиева**

*китта ўқитувчи (PhD), ФарДУ*

**Ш.Абдусатторова**

*ижтимоий иш йўналиши магистранти, ФарДУ*

**Аннотация.** Мамлакатимизда ёшлар билан ишлаш масаласи ҳамиша давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Бу борада кейинги йилларда амалга оширилган ишлар, уларнинг эҳтиёжлари ва манфаатларига эътибор айниқса янгича тус олди. Ёшларга эътиборнинг тобора кучайиб бораётгани бежиз эмас, албаттa. Чунки мамлакатимизда ёшлар Янги Ўзбекистонни барпо этишининг марказий манбаи сифатида қаралмоқда.

**Калит сўзлар:** механизм, маҳалла, дастур, маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизими, маданият, санъат.

Бугунги йигит ва қизлар моддий ишлаб чиқариш жараёни характерига, иқтисодий тараққиёт мўлжалларини аниқлашга, жамиятни бошқариш характерига, ҳокимият ва сиёсий соҳа табиатига таъсир ўтказишга, ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга, жамиятдаги маънавий-руҳий вазиятни шакллантиришга қодир бўлган ижтимоий-демографик кучдир. Бироқ ёшлар бундай аҳамиятли ижтимоий вазифаларни бажарадиган қудратга айланиши учун жамиятда энг аввало улар билан ишлашнинг замонавий ва самарали тизими мавжуд бўлмоғи даркор. Шу нуқтаи назардан фикрлаганда, давлат раҳбарининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори ўта долзарблиги, ижтимоий аҳамияти билан тавсифланади.

Қарорда тўрт асосий мақсад назарда тутилади: а) ёшлар билан ишлашнинг янгича бошқарув механизmlарини жорий этиш; б) улар билан ишлашнинг вертикал тизимини яратиш; в) ёшлар муаммоларини бевосита маҳаллаларда ҳал этиш; г) таълим муассасаларидаги маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини янада ошириш. Ушбу мақсадга эришиш учун Ўзбекистонда ёшлар билан ишлаш тизимининг энг муаммоли нуқтасига диққат қаратилмоқда: маҳалла йигит ва қизларини қамраб олишнинг ўзига хос механизми вужудга келтирилмоқда. Маҳаллаларда ёшлар етакчиси лавозимининг жорий этилишини ана шундай баҳолаш мумкин.

Етакчиларнинг маданият ва санъатни тарғиб қилиш, соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш, ахборот технологияларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, маънавият ва китобхонликни тарғиб қилиш, ватанпарварлик





руҳида тарбиялаш ва ҳуқуқий саводхонликни ошириш, тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш йўналишларидағи фаолиятларининг вазифалари белгилаб берилаётгани уларнинг саъй-ҳаракатларини аниқ мазмун билан бойитади. Бундан ташқари, етакчиларнинг ҳоким ёрдамчилари, фахрийлар, бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаши кўзда тутилгани мамлакатимиздаги ёшлар билан ишлаш бўйича ижтимоий механизмга яхлитлик ва тизимлилик баҳш қилмоқда.

Қарорнинг эътиборни тортадиган яна бир жиҳати шундаки, унинг билан электрон рейтинг тизими жорий этилмоқда. Ушбу тизим маҳаллада ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, маданий-маърифий ва спорт тадбирларини кунлик амалга ошириш ҳолати, тадбирларда маҳалладаги ёшларни тўлиқ қамраб олинганлик даражаси, “Ёшлар баланси”ни шакллантириш, “Ёшлар дафтари” ва “Ёшлар портали” электрон платформаларини рақамлаштириш даражаси, хорижда юрган маҳалла ёшлари билан яқиндан алоқанинг йўлга қўйилганлиги асосида шакллантирилади. Бундай ёндашув маҳалла етакчилари фаолиятини аниқ мезонлар асосида баҳолаб бориш, мавжуд муаммоларни жадал аниқлаш ва бартараф этиш, етакчилар фаолияти самарадорлигини мунтазам такомиллаштириш имконини яратади.

Аминмизки, ушбу қарорнинг ҳаётга татбиқ этилиши, унда кўзда тутилган вазифаларнинг тугал бажарилиши ёшларнинг жамиятимиздаги ижтимоий позицияларини мустаҳкамлашга, уларнинг эҳтиёж ва манфаатларининг тўлақонли қондирилишига, мамлакатимизда ёшлар билан ишлашнинг замонавий механизмини шакллантиришга хизмат қиласди.

“Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан ишлаб чиқилган 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва уни “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид давлат дастурида еттита устувор йўналиш бўйича Коррупцияга қарши курашиб агентлиги томонидан амалга оширилиши лозим бўлган муҳим мақсад ҳамда вазифалар белгиланган.

Жумладан, Давлат дастурида Агентликка жами 7 та бандда, 9 та вазифани ижро этиш вазифаси қўйилган.

Хусусан, Агентликка:

- давлат бошқаруви органлари фаолиятини “фуқароларга хизмат қилишга йўналтириш” тамойили асосида трансформация қилиш билан боғлиқ 2 та;
- Ихчам, профессионал, адолатли, юқори натижадорликка хизмат қиласиган давлат бошқаруви тизимини жорий қилишга оид 2 та;
- Давлат хизматида ҳалоллик стандартларини жорий этиш бўйича 1 та;
- Коррупцияга мойил соҳа ва тармоқларни аниқлаш, коррупциявий омилларни бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир 4 та вазифа юклатилган.





Шундан 6 тасида Агентлик асосий ижрочи ва 3 тасида ҳамижрочи ҳисобланади.

Шунга асосан, Агентлик томонидан Давлат дастуридаги ушбу бандларнинг ижросини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш чоралари қўрилмоқда. Жумладан:

I.Давлат дастурининг 5-мақсад, 17-банди, 6-кичик бандида Агентликка муҳим ижтимоий-масалалар бўйича очиқ маълумотларнинг доирасини янада кенгайтириш ва мазкур маълумотлардан тўсиқларсиз фойдаланишни таъминлаш юзасидан норматив-хуқуқий хужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Мазкур банд ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сонли фармони билан тасдиқланган Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар Рўйхати 2 тага кенгайтирилди. Жумладан,

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги ПФ-101-сон Фармонига асосан:

Очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 1 тага кенгайтирилиб улар сони 34 тага етказилди (аввал 33 та эди), хусусан Давлат органлари ва ташкилотлари ўзларининг таркибига кирувчи давлат муассасаларининг номи, фаолият тури, функция ва ваколатлари ҳамда раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни ҳам очиқ эълон қилишлари лозимлиги бўйича мажбурият белгиланди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур фармон билан давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси жорий этилди.

Давлат бюджети, шунингдек, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳалар, шу жумладан истиқболли инвестиция ва инфратузилма лойиҳалари бўйича уларнинг асосий техник қўрсаткичлари ва бошқа лойиҳа хужжатлари тўғрисидаги маълумотлар очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхатига киритилиб, Рўйхатдаги маълумотлар сони 35 тага етказилди.

II.Давлат дастурининг 83-мақсад, 301-бандида Агентликка Давлат хизматида манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уни ҳал этиш тизимини жорий этиш юзасидан ташкилий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.





Агентлик томонидан барча вазирлик, идораларда манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ва уни ҳал этиш тизимини жорий этишга қаратилган чоратадбирлар ишлаб чиқилди.

Ушбу чора-тадбирларда қуйидагилар назарда тутилган:

- манфаатлар тўқнашувини тартибга солишининг ташкилий-ҳуқуқий асосини ишлаб чиқиши;
- манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш тартибини йўлга қўйиш;
- манфаатлар тўқнашуви ҳақидаги маълумотларни ошкор қилиш механизмларини яратиш;
- манфаатлар тўқнашуви холати юзасидан қарор қабул қилиш жараёнларидаги холисликни таъминлаш;
- манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш юзасидан мониторингни амалга ошириш;
- манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш йўналишида давлат хизматчиларининг билим ва кўникмаларини ошириб бориш;
- манфаатлар тўқнашуви ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни кенг жамоатчилик иштирокида кўриб чиқилиши ҳамда уларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланди.

III.Давлат дастурининг 84-мақсад, 302-бандида Агентликка «Е-антикоррупция» лойиҳасини амалга ошириш юзасидан Президент қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1.Абдурахмонова, М. М. (2020). Ижтимоий иш касбий фаолиятининг мактабга йўналтирилган соҳасини ривожланишида жаҳон амалиёти тажрибалари. *Журнал Социальных Исследований*, 3(6).

2.Абдурахмонова, М. М. (2021). Теории межсекторальных подходов к защите детей. *Человек. Наука. Социум*, (2), 62-74.

3.Абдурахмонова, М. М. (2021). Необходимость изучения общественного мнения для принятия эффективных решений в школе. *Человек. Наука. Социум*, (1), 33-46.

4.Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Узбекская модель развития малого предпринимательства. *Ученый XXI века*, 62.

5.Абдурахмонова, М. М., & Содикова, Д. Ш. (2020). Efficiency of management of higher education institutions in the preparation of qualified personnel. *Человек. Наука. Социум*, (2), 8-27.

6.Абдурахмонова, М. М. (2021). Мактабларда самарали қарор қабул қилиш учун жамоатчилик фикрини ўрганиш зарурияти. *Журнал Социальных Исследований*, (SPECIAL ISSUE 1).





7.Абдурахмонова, М. М., & Орипов, А. (2019). Основные направления и приоритеты научной актуализации информационной парадигмы гражданского общества. *Мировая наука*, (12), 56-59.

8.Абдурахмонова, М. М., & Мирзажонов, Ж. (2020). Роль конституции в построении правового государства и гражданского общества. *Теория и практика современной науки*, (3), 9-11.

9.Абдурахмонова, М. М., & Маллабоев, Ш. А. (2016). Uzbek model of small business development. *Учёный XXI века*, (3-4 (16)), 58-63.

10.Madaliyeva, F., & Abduraxmonova, M. (2021). O'zbekistonda maktab bitiruvchi o 'quvchilarini kasb-hunar bilan ta'minlashda ijtimoiy ish amaliyoti. *Студенческий вестник*, (8-3), 94-95.

11.Abduraxmonova, M., & A'zamova, Z. (2021). O'zbekistonda pensiya ta'minoti tizimini shakllantirishning muhim jihatlari. *Интернаука*, (7-2), 91-93.

12.Sharipova, K., & Abduraxmonova, M. (2021). O'zbekiston maktablarida mehribonlik uylari tarbiyalanuvchisi bo 'lgan o 'quvchilar bilan ijtimoiy ish amaliyoti istiqbollari. *Студенческий вестник*, (8-3), 82-83.

13.Abdurakhmonova, M., Karimova, G., & Karimova, M. (2021). Role of ethical culture in preventing violence among spupils. *Интернаука*, (11-2), 50-51.

14.Abdurakhmonova, M. M., Akramov, D. O., & Egamberdiev, F. A. (2020). Conceptual aspects of the development of social work in the new social protection system of Uzbekistan. *Chief Editor*, (5), 8.

15.Abdurakhmonova, M. M. ugli Mirzayev, MA, Karimov, UU, & Karimova, GY (2021). Information Culture And Ethical Education In The Globalization Century. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 3(03), 384-388.

96. Хамракулов, И. Б. (2021). Кичик саноат зоналарини барпо этиш ва ривожлантиришнинг назарий асослари. *Scientific progress*, 2(7), 586-592.


97. Хамракулов, И. Б. (2022). Кичик саноат зоналарини ривожлантиришнинг можияти ва ўзига хос хусусиятлари. *Scientific progress*, 3(1), 328-334.

98. Хамракулов, И. Б. (2021). Теоретические основы создания и развития малых промышленных зон. *ма*, 2, 49.

99. Хонкелдиева, К., Раҳимова, Ҳ., & Абдусатторова, З. (2020). Проблемы развития социального обеспечения населения. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 42-43).

100. Хонкелдиева, К., & Муйдинжонова, М. (2020). Актуальные проблемы решения безработицы в Республике Узбекистан. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 18-19).

101. Хонкелдиева, К., & Мўйдинжонова, М. (2020). Необходимые условия обеспечения гендерного равенства. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 40-41).





102. Хонкелдиева, К., & Хўжамбердиев, Ж. (2020). Проблемы развития организаций: управленческий и логистический аспекты. In *Наука сегодня: история и современность* (pp. 17-19).

103. Хонкелдиева, К., & Толибжонова, М. (2020). Механизм формирования инновационного процесса в текстильном производстве как основа адаптации к процессам глобализации. In *Наука сегодня: фундаментальные и прикладные исследования* (pp. 15-16).

